

ЎЗБЕКИСТОНДА НОЁБ ВА ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ ХАВФИ
ОСТИДАГИ ҲАЙВОН ТУРЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ



ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

ЖАМИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 23 (993)
2026 йил
9 июль,
Пайшанба



СОФ ТАБИАТ ВА ИНСОНИЯТ ҲАЁТИНИ АСРАШДА ДАРАХТЛАРНИНГ ЎРНИ

Дарахтларнинг ер устидаги фойдаси қанчалик катта бўлса, ер остидаги хизмати ҳам шунчалик беқиёсдир. Уларнинг илдиз тизими табиатда сув ва тупроқ мувозанатини ушлаб туради.


КЕЛАЖАК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ



САНЪАТМИ ЁКИ

БОТОКС

ЭПИДЕМИЯСИ?





ЎЗБЕКИСТОНДА НОЁБ ВА ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ ХАВФИ ОСТИДАГИ ҲАЙВОН ТУРЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳайвонот дунёси йўқотишларининг ўрнини қоплаш, тиклаш ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёввойи ҳайвонларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат биохилма-хилликни сақлаш, браконерликка қарши курашни кучайтириш ҳамда мамлакатнинг балиқ захираларини тиклашга қаратилган.

Қарорга мувофиқ, 2026-йил 1-августдан 2028-йил 1-январгача республика ҳудудида сони камайиб бораётган ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи ҳайвонларнинг 66 турини овлаш тақиқланади. Чекловлар қушлар, сут эмизувчилар, балиқлар, судралиб юрувчилар ва умуртқасиз ҳайвонларнинг турли вакилларига татбиқ этилади. Рўйхатга, жумладан, қор қоплони, Туркистон силвосини, Бухоро бугуси, сайғоқ, тувалоқ, фламинго ва бошқа ноёб турлар киритилган.

Бунда тақиб ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари, питомниклар, инкубаторлар ва балиқчилик хўжаликларида сақланаётган ҳамда кўпайтирилаётган ҳайвонларга, шунингдек, уларни илмий ва тиббий мақсадларда фойдаланиш ҳолатларига татбиқ этилмайди. Бундан ташқари, чекловлар амал қиладиган даврда мазкур рўйхатга киритилган ҳайвон турларини овлаш учун квоталар ажратилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Ҳужжатда овчиларни тайёрлаш

тизимини такомиллаштириш ҳам назарда тутилган. 2026-йил 1-августдан бошлаб фуқароларни овчилик ишига ўқитиш фақат ихтисослаштирилган ўқув полигонларида, инструкторлар раҳбарлигида ҳамда рўйхатдан ўтказилган ов ёки спорт қуролларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Қарорда ихтиофаунани тиклаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг 1-августига қадар Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Фанлар академияси ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда дарё ва сойларни уларнинг экотизими ҳолатини инобатга олган ҳолда балиқлаштириш учун тавсия этиладиган балиқ турлари рўйхатини тасдиқлайди.

2026 – 2030-йиллар давомида ҳар йили республиканинг марказий шаҳарларидан оқиб ўтувчи дарё ва

сойларга камида 15 тонна балиқ қўйиб юборилиши режалаштирилган. Чавоқлантириш ишлари Амударё, Сирдарё, Сангзор, Қорадарё, Қашқадарё, Танхоздарё, Сурхондарё, шунингдек, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги айрим шаҳар сойларида амалга оширилади.

Қарорда ноқонуний ов ва браконерликнинг олдини олиш устидан назоратни кучайтириш, аҳоли ўртасида кенг қўламли ахборот-туншунтириш ишларини олиб бориш ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янги талабларга мувофиқлаштириш ҳам назарда тутилган.

Қабул қилинган чора-тадбирлар биохилма-хилликни сақлаш, табиий экотизимларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Яшил қалқон

СОФ ТАБИАТ ВА ИНСОНИЯТ ҲАЁТИНИ

Биз нафас олаётган ҳаво, ичаётган сувимиз ва умуман, Ер юзидаги ҳаёт бевосита табиатнинг энг буюк неъматидир – дарахтлар билан боғлиқ. Бугунги кунда саноатнинг ривожланиши, шаҳарларнинг кенгайиши ва транспорт воситаларининг кўпайиши оқибатида атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдори ортиб бормоқда. Бундай глобал экологик инқироз даврида дарахтлар сайёрамизни асраб қолувчи ягона ва табиий «яшил қалқон» вазифасини бажармоқда.

Дарахтларнинг энг биринчи ва муҳим хусусияти – уларнинг ҳавони тозалаш қобилиятидир. Фотосинтез жараёни орқали дарахтлар инсоният ва саноат учун зарарли бўлган карбонат ангидрид (CO_2) газини ютади ва биз учун ҳаётий зарур бўлган кислородни ишлаб чиқаради.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, битта катта ва соғлом дарахт бир йилда ўртача 100-120 килограммгача кислород ажратиб чиқаради. Бу икки нафар инсоннинг бир йиллик эҳтиёжини тўлиқ қоплайди.

Дарахтлар нафақат газни ютади,

балки барглари орқали ҳаводаги майда чанг, қурум ва оғир металл зарраларини тутиб қолади. Айниқса, серкатнов йўл ёқаларига экилган дарахтлар турар жойларни заҳарли ҳаводан ҳимоя қилувчи жонли филтёрдир.

Бугунги кунда йирик шаҳарларда асфальт ва бетон қопламалар қуёш нурини ўзига ютиб, ҳаво ҳароратини сунъий равишда кўтариб юбормоқда. Бу тиббиётда «иссиқлик ороли» эффекти деб аталади.

Дарахтлар ўз сояси билан ерни қизиқ кетишдан асрайди ва баргларида сув буғлатиш (транспирация) орқали атрофдаги ҳаво ҳароратини





ОДИЛ СУДЛОВ — ҲАЛОЛЛИК МЕЗОНИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишга бағишлаб ўтказилган тақдимотда илгари сурилган ташаббуслар одил судловда поклик ва ҳалолликни таъминлашнинг том маънодаги ҳуқуқий кафолати бўлди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан янгилаш, уни чинакам мустақил ва халқчил тизимга айлантириш бўйича изчил қадамлар ташланмоқда. Бироқ, фақатгина судьяларнинг қонунларни мукамал билиши тўлақонли адолатни таъминлаш учун етарли эмас. Сабаби, суд процесси яхлит бир занжир бўлиб, унда нафақат судьялар, балки ҳужжатларни тайёрлаш ва ижро этиш жараёнида қатнашадиган қарийб 4,8 минг нафар суд аппарати ходимларининг ҳам масъулияти мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, тақдимотда тизимда коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, манфатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ходимларнинг касбий масъулиятини юксалтириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Таклиф этилаётган янги тизим суд фаолиятини турли салбий хавфлардан асровчи кучли ҳимоя механизми вазифасини ўтайди.

Ушбу мақсад йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бу — Олий суд таркибида тўғридан-тўғри Олий суд раисига бўйсунувчи, мустақил Комплаенс назорати хизматининг ташкил этилишидир. Бу тизим ҳудудлардаги барча судларда қонун устуворлиги ва касб этикаси талабларига риоя этилишини таъминловчи комплаенс инспекторлари фаолиятини йўлга қўйишни назарда тутди.

Агар илгари коррупциявий ҳолатларга улар содир бўлгандан кейингина ҳуқуқий баҳо берилган бўлса, эндиликда тизим буткул ўзгаради. Янги хизмат хавф-хатарларни ҳали содир бўлмасдан туриб аниқлайди, баҳолайди ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини барвақт бартараф этади. Бу эса ҳалол меҳнат қилаётган ходимлар учун касбий ҳимояни таъминлаб, қонунбузилиш ҳолатларига мурасасиз муҳит яратади.

Шу билан бирга, судлар аппаратида хавфи юқори бўлган лавозимлар рўйхати аниқ тасдиқланиб, инсон омили юқори бўлган барча жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилади. Бу чоралар орқали субъектив ёндашувлар ва турли шубҳали ҳолатларга бутунлай чек қўйилади.

Яна бир муҳим янгилик — суд ишларини автоматик тақсимлаш дастурининг такомиллаштирилишидир. Ишларнинг қайси судьяга тушиши ҳамда қайта тақсимланиш мезонларининг аниқ ва шаффоф бўлиши процессуал иштирокчиларда ҳеч қандай шубҳа ёки эътироз қолдирмайди. Коррупция ва интизом бузилиши ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш тизими ҳамда фуқаролар учун хавфсиз алоқа каналларининг яратилиши

эса ички назоратни янги босқичга олиб чиқади. Шунингдек, суд аппаратида ишга қабул қилиш тизими ҳам тубдан янгилашмоқда. Бундан буён бўш лавозимларга кадрлар фақат очик танлов ва меритократия, яъни шахснинг билим, тажриба ва иқтидорига қараб баҳоланиши тамойили асосида қабул қилинади. Ҳар бир номзоднинг маънавий-ахлоқий сифатлари ва коррупцияга қарши барқарорлиги жиддий текширилади. Ходимлар учун тадбиркорлик билан шуғулланиш ва чет элда ҳисобварақ очиш каби чекловларнинг жорий этилиши эса ҳолисликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Умуман олганда, йиғилишда илгари сурилган стратегик ташаббусларнинг соҳа ва ҳаётга кенг тадбиқ этилиши давлатимиз раҳбарининг “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши билан мустақам ҳуқуқий асосга эга бўлди. Мазкур ҳужжат суд тизимида коррупцияга қарши курашиш, инсон омилини бартараф этиш ва кадрлар сиёсатини тубдан соғломлаштиришга қаратилган янгилашларни тизимли равишда ҳаётга жорий этиш механизмини белгилаб берди. Эндиликда комплаенс назоратининг кучайтирилиши, кадрларни танлашда меритократия тамойиллари ва замонавий рақамли тизимларнинг изчил қўлланилиши суд аппарати ходимларининг хизмат масъулиятини тубдан оширишга хизмат қилади.

Зеро, ушбу Фармонда белгиланган вазифаларнинг соҳада тўлиқ ижро этилиши аҳолининг суд ҳимоясига ва одил судловга бўлган ишончини янада юксалтиришнинг муҳим кафолатидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, суд тизимида шаффофлик, ҳалоллик ва адолат муҳитини мустақамлаш фуқароларнинг давлатга ҳамда қонун устуворлигига бўлган ҳурматини шакллантирадиган асосий омилдир. Янги ҳуқуқий асослар негизида амалиётга тадбиқ этилаётган бундай тизимли чора-тадбирлар мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, очиклиги ва софлигини таъминлашга хизмат қилади.

Нилуфархон САИД-ҒАЗИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди
Девон раҳбари

Дилбар МАҲМУДОВА,
«Жамият»

АСРАШДА ДАРАХТЛАРНИНГ ЎРНИ

3-5 даражагача салқинлаштиради. Жазирама ёзда дарахтзор ҳудуд ва очик асфальт ўртасидаги фарқни ҳар бир инсон яққол ҳис қилади.

Тез-тез кузатиладиган кучли шамоллар ва чанг бўронларининг тезлигини айнан дарахтлар тўсиб, юмшатиб беради. Шунингдек, улар шаҳардаги ортикча шовқинни ютиш хусусиятига ҳам эга.

Дарахтларнинг ер устидаги фойдаси қанчалик катта бўлса, ер остидаги хизмати ҳам шунчалик бекиёсдир. Уларнинг илдиз тизими табиатда сув ва тупроқ мувозанатини ушлаб туради.

Дарахт илдизлари тупрокни маҳкам тутиб туради. Бу эса кучли ёмғирлар ёққанда тупрокнинг ювилиб кетиши, сел келиши ва кўчкилар хавфини кескин камайтиради.

Дарахтлар бор жойда ёмғир сувлари тўғридан-тўғри ер остига сўрилади ва тозаланади. Бу эса ичимлик суви захираларининг камайиб кетмаслигини таъминлайди.

Президентимиз ташаббуслари билан юртимизда амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бугунги кунда табиатни асраш йўлидаги энг катта тарихий қадамлардан бири бўлди. Ҳар йили миллионлаб кўчатлар экилаётгани келажак авлод учун соф экологик муҳит яратишга хизмат қилмоқда.

Бироқ, фақат дарахт экиш етарли эмас. Энг муҳими — экилган кўчатларни нобуд қилмай, вақтида суғориш, парваришлаш ва уларни ноқонуний кесиш кетишлардан асрашдир. Дарахт кесишга қўйилган мораторийни бузган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, жамиятимизда дарахтга нисбатан ҳудди тирик жонга бўлгандек ҳурмат ҳиссини уйғотиш лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, дарахт экиш — бу нафақат табиатга ёрдам, балки келажакка, фарзандларимиз соғлиғига тикилган энг олий сармоядир. Ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида ҳеч бўлмаса бир нечта дарахт экиб, уни вояга етказса, юртимиз яшил воҳага айланади. Соф табиатни асраш ўзимиз ва келажак авлод олдидаги энг муқаддас бурчимиздир.

Дилбар МАҲМУДОВА,
«Жамият»





Маҳалла деганда кўз олдимизга нима келади? Тонг сахарда кўчага сув сениб, супураётган кўшни аёл, чойхонада гурунглашиб ўтирган нуроний отахонлар, кўча бошида тўполон қилиб югуриб юрган болакайлар... Маҳалла – бу шунчаки яшаш жойи эмас. Бу – бизнинг қувончимиз ҳам, ташвишимиз ҳам бир бўлган катта оиламиз. Бу оилада ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис қилмайди.

КЕЛАЖАК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Сўнгги йилларда юртимизда «Маҳалла – давлат ичидаги кичик давлат» деган тамойил асосида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу ислохотларнинг бош мақсади эса битта: одамларнинг дардини эшитиш, уларга елкадош бўлиш ва оғирини енгил қилиш.

Бугунги маҳалла тизими шунчаки қоғозбозлик идораси эмас, у тирик ва жонли организм. Унинг бағрида қанчадан-қанча инсонларнинг тақдири қайтадан гулламоқда. Энг оғир, чорасиз қолган дақиқаларда маҳалла инсонга суянчиқ бўлмоқда.

Тасаввур қилинг: оилада тушунмовчилик, доимий жанжаллар сабаб эр-хотин ажрашиш ёқасига келиб қолди. Икки нафар ширингина фарзанд тирик етим бўлиш арафасида. Эр ишсизликдан сиқилиб, ўзини ичкиликка урган, аёл эса рўзгор ташвишларидан чарчаб, умидсизликка тушган. Оила жар ёқасида эди...

Мана шундай оғир вазиятда маҳалланинг «еттилиги» – раис, оксоқоллар ва хотин-қизлар фаоли аралашди. Улар шунчаки насихат қилишмади. Муаммонинг илдизини излашди. Аниқланишича, жанжалларга асосий сабаб – етишмовчилик ва ишсизлик экан. Маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси дарҳол ишга киришиб, оила бошлиғига имтиёзли кредит асосида кичик иссиқхона куриб берди, уни иш билан таъминлади. Хотин-қизлар фаоли аёл билан соатлаб дард-

лашди, унга рухий далда берди ва маҳалладош чевар аёлга шогирдликка берди.

Бугун бу хонадондан уруш-жанжал эмас, болаларнинг қувноқ кулгиси, оиланинг баракали меҳнати эшитилади. Маҳалланинг ўз вақтида кўрсатган меҳри ва эътибори бир оилани парчаланиб кетишдан, фарзандларни эса тирикликда етим бўлишдан сақлаб қолди.

Яна бир воқеа. Чекка бир маҳаллада яшовчи, боқувчисини йўқотган, уч фарзанди билан ёлғиз қолган онанинг уйи қишнинг аёзида тўсатдан авария ҳолатига келиб қолди. Томдан сув ўтар, деворлар нураган... Бу аёлнинг янги уй қуриш у ёқда турсин, кундалик рўзгорини тебратишга ҳам маблағи йўқ эди. Умидсизлик ва кўркув ичида қолган она кимдан ёрдам сўришни билмасди.

Бундан маҳалла аҳли хабар топди. Эндиликда маҳаллаларнинг ўз бюджети, яъни «ўз чўнтаги» борлиги айни муддао бўлди. Маҳалладошлар йиғилиб, бир овоздан: «Шу йилги маблағни аввало мана шу синглимизнинг

уйини таъмирлашга йўналтирамиз!» деб қарор қилишди.

Ҳашар ташкил этилди. Маҳалланинг йигитлари енг шимариб ишга тушишди, давлат ажратган маблағ ҳисобидан қурилиш моллари олиб келинди. Бир неча ҳафта ичида уй замон талабларига мос, иссиқ ва шинам масканга айлантирилди. Аёлнинг кўзидаги қувонч ёшлари, фарзандларнинг бахтли нигоҳлари – бу ислохотларнинг амалдаги энг катта исботи эди. Йиқилганни суяш, муҳтожга кўмак бериш маҳалла даражасида давлат сиёсатида айланди.

Бугун ислохотларнинг энг таъсирчан ва халқчил намунаси – бу «Ташаббусли бюджет» (ОпенБюджет) лойиҳасидир. Маҳаллалар бу тизим орқали ўз тақдирини ўзлари белгиламоқда.

Бир тасаввур қилинг: йиллар давомида ичимлик суви етиб бормаган, қишда лой, ёзда чанг бўлган чекка қишлоқ маҳаллалари аҳли бир ёқадан бош чиқариб, овоз тўплашади. Фарзандлари келажаги учун, маҳалладошлари учун курашишади. Ҳатто узоқда-

ги қариндошлар, шаҳардаги танишлар ҳам шу маҳалла учун овоз беришга сафарбар қилинади.

Ғолиб бўлгандаги қувонч-чи? Бу бутун маҳалланинг, катта-кичикнинг ҳақиқий байрамига айланади! Бундай лойиҳалар орқали минглаб маҳаллаларда янги мактаблар, шифохоналар қурилди, тоза ичимлик суви кириб борди. Энг муҳими, одамларда «Биз бирлашсак, ҳамма нарсани ўзгартира оламиз!» деган ишонч ва ҳамжиҳатлик уйғонди.

Ўзбекистонда маҳалла тизимини ривожлантириш – бу шунчаки чиройли шиорлар эмас, бу оддий одамларни эъзозлаш, уларнинг ҳаётини асраб қолиш демакдир. Бугун маҳалла шунчаки расмий бино эмас, у одамларнинг суянадиган тоғи, дардини айтадиган сирдоши ва келажакка умид билан қарайдиган масканига айланди.

Зеро, маҳалла обод бўлса – юрт обод бўлади, маҳаллада меҳр-оқибат ва тинчлик бўлса – бутун мамлакатда хотиржамлик ҳукм суради.

Меҳрибон ЧОРИЕВА,
“Жамият”

ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ КЕНГАЙМОҚДА

Қашқадарё вилоятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва чиқиндиларни самарали бошқариш бўйича ишлар давом этмоқда. Бу борада “Яшил макон” лойиҳаси муҳим омил бўлмоқда.

2025 йил баҳор ва куз мавсумларида вилоят бўйича жами 21 миллиондан зиёд кўчат экилиб, режалар ортиғи билан бажарилди. Барча кўчатлар “Яшил макон” платформасига киритилди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 15 та ташаббус ғолиб бўлиб, вилоятнинг бир қатор туман ва шаҳарларида 8 та “яшил боғ” ҳамда 7 та “яшил жамоат парки” барпо этилди. Ҳозирда уларда парвариш ишлари олиб борилмоқда.

Қарши – Кўкдала йўли бўйлаб 90 минг дона кўчат экилиб, томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилди. Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Қамашда терасса усулида кўчат экиш ишлари амалга оширилди. Муборак туманида эса шўр-

ланиш ва сув танқислигига чидамли галофит боғи ташкил этилди.

2026 йилда “Яшил макон” доирасида 16,3 миллион дона кўчат экиш режалаштирилган. Шунингдек, вилоятнинг барча 16 та туман ва шаҳрида яна биттадан яшил ҳудуд ташкил этиш кўзда тутилган.

Экологияни яхшилаш мақсадида Қарши туманида дендрология боғи, чегара ҳудудларида эса 5 минг гектар “яшил қоплама” барпо этилади. Шу билан бирга, дарахтлар рақамлаштирилиб, тўлиқ хатловдан ўтказилади.

Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш учун 2026 йилда янги маҳсус

техника ва контейнерлар харид қилиниши, Қарши туманида чиқиндиларни ёкиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш заводи қурилиши режалаштирилган. Яккабоғ ва Қарши туманларида қайта юклаш станциялари ишга туширилади, айрим полигонларда рекультивация ишлари олиб борилади. Шунингдек, вилоятда намунавий чиқиндихоналар барпо этилиб, назоратни кучайтириш учун “Онлайн-ИП” камералари ўрнатилади. Дехқонобод туманида эса шишани саралаш ва қайта ишлаш заводи ишга туширилиши кутилмоқда.

Бу чора-тадбирлар экологик барқарорликни таъминлаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва аҳоли учун соғлом муҳит яратишга хизмат қилади.

Шавкат КАРОМОВ,
“Жамият”



САНЪАТМИ ЁКИ БОТОКС ЭПИДЕМИЯСИ?



Таассуф



Бугун ўзбек телеэкранлари, хусусан, миллий сериаллар ва теленовеллалар катта бир инқирозни бошдан кечирмоқда. Бу инқироз фақатгина сценарий ёки режиссёрлик ишида эмас, балки кўз ўнгимизда намоён бўлаётган қахрамонларнинг қиёфасида – ташқи кўринишида яққол сезиляпти.

Телевизор қаршисига дам олиш, воқеалар ривожидан завқланиш учун ўтирган томошабиннинг диққати, афсуски, асосий мавзудан қочиб, актрисаларнинг бўртиб турган лаблари ва улама киприкларига тортилиб кетмоқда.

Аслида санъатда, хусусан, театрда гримнинг ўрни бекиёс. Грим – бу актрисани ролга мослаштириш, унинг характери ёркинроқ очиб бериш ва сахна чироқлари остида юз ифодаларини томошабинга аниқроқ етказиш учун хизмат қилувчи муқаддас воситадир. Актрисанинг энг катта қуроли – бу ундаги ички кечинмаларни ифодаловчи жонли мимикасидир. Аммо ботокс ва турли жарроҳлик амалиётлари билан «музлатиб қўйилган»

юзлар на кувончни, на дардни табиий етказа олади. Натижада экранда оддий инсонлар эмас, бир хил қолипдан чиққан, ҳис-туйғусиз кўгирчоқлар пайдо бўлмоқда.

Энг ачинарлиси, экрандаги бугунги сохталик фақатгина кўзимизни эмас, вақтимизни ҳам ўғирламоқда. Рекламалар, ижтимоий тармоқлардаги арзон вайнлар ва бадий кимматга эга бўлмаган сериалларда аёл образи фақат сунъий пардоз билан банд, савиясиз бир қиёфада кўрсатилмоқда. Тарихий ролдами ёки оғир ижтимоий драмадами – актрисаларнинг бир хилдаги «замонавий» қиёфаси воқеликка бўлган ишончни йўққа чиқаради.

Бугунги сунъийлик фонида кўз

олдимизга ўзбек санъатининг олтин даври ва устозларимиз келади. Афсонавий актриса Сора Эшонтўраеванинг биргина нигоҳи, юзидаги виқор томошабини сеҳрлаб қўярди. Ёки «Тоҳир ва Зухро» фильмидаги Зухро образини ёдга олайлик. Актриса Юлдуз Ризаева ўзининг беғубор, табиий гўзаллиги, миллий ибоси ва самимий қиёфаси билан асрлар оша ўзбек аёлининг тимсолига айланди. Улар ўз қиёфаларини сунъий равишда ўзгартиришмаган. Шунинг учун ҳам уларнинг ижроси тарихда қолди.

Бугунги лавҳаларни кўрган катта авлод вакиллари, оналаримиз хайрат ва таассуф ичида қолаётгани ҳам бор гап. Чунки бизнинг миллий кадриятларимизда, адабиётимизда аёл гўзаллиги ҳамиша ҳаё, ибо ва табиийлик билан ўлчанган. Алишер Навоий ўзининг «Ўли»сига таъриф берганда сунъийликни эмас, илоҳий гўзалликни куйлаган эди.

Инсон ўзига берилган асл қиёфани бузиши, унга ортиқча тиг текки-

зиши нафақат эстетик, балки маънавий ва диний жиҳатдан ҳам катта хатодир. Бироқ «оммавий маданият» ва сунъий гўзаллик савдоси шу қадар авж олдики, инсонлар умр ва маблагларини мана шундай сохталикларга сарфламоқдалар

Сериал ва фильмлардан мақсад – инсон қалбини тарбиялаш, унга эстетик завқ бериш ва жамият кўзгуси бўлишдир. Агар экранларимизни «қалбаки гўзаллар» эгаллаб олишда давом этса, санъатимиз ўз таъсир кучини йўқотади. Бугунги кун актрисалари Сора Эшонтўраева ва Юлдуз Ризаеваларнинг нафосатидан, улар қолдирган ҳақиқий маҳорат мактабидан ўрناк олишлари шарт. Санъат сохталикни кечирмайди. Асл гўзаллик ва ҳақиқий истеъдод эса ҳамиша оддийликда ва табиийликдадир.

Дилафруз ИБРАГИМОВА,
Ҳамид Олимжон ва
Зулфия номидаги ижод мактаби тарбиячиси.

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАН

Мустақиллик халқимиз учун энг улуг ва бебаҳо неъматдир. Ўтган 35 йил давомида Ўзбекистон барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам улкан ютуқларга эришди. Айниқса, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Бу жараёнда техникумлар фаолиятини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, техникумларда меҳнат бозори талабларига мос малакали мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ўқувчилар назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни ҳам эгалламоқда. Натижада кўплаб битирувчилар таълимни тамомлаши билан иш ўринларига эга бўлиш имкониятига эришмоқда.

Бу ислохотлар замирида мамлакат келажаги-

ни янада ёруғ қилишга қаратилган улкан мақсад мужассам. Чунки ҳар бир билимли ва малакали ёш – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворидир. Бугун техникумларда таҳсил олаётган минглаб ўғил-қизлар эртанги куннинг муҳандислари, дастурчилари, тиббиёт ходимлари, аграр соҳаси мутахассислари ва тадбиркорлари бўлиб етишмоқда.

Илм масканимизда ўқувчиларга еттига йўналиш бўйича билим бериш билан бирга, ўттизга яқин касб-ҳунар сирлари ҳам пухта ўргатилмоқда. Техникумларда жорий этилган дуал таълим тизими ўқувчиларнинг касбга бўлган қи-

зиқиши ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Жомбой туманидаги “Комфорт мебел”, “Сам рафоат текстил”, “Лидешев” МЧЖ, “Самарқанд Бахт текстил” каби 48 та йирик корхона билан дуал таълим йўлга қўйилган. Ўқувчилар ҳафтанинг белгиланган кунларида ушбу корхоналарда амалиёт ўташ орқали ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бормоқда. Бу эса уларга касб сирларини чуқур ўрганиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, битирувчилар учун ушбу корхоналарда иш билан таъминланиш имконияти ҳам мавжуд. Бу эса хунарли, билимли ва малакаси юқори ёшлар ҳеч қачон меҳнат бозорида кам бўлмаслигини амалда исботлайди.

Дилшод НУРМАТОВ,
Жомбой туман 1-сон техникуми директори

«ЎЗ УЙИМНИ ТОЗА ТУТИБ, КЎЧАГА АХЛАТ ТАШЛАШ НОРМАЛ ҲОЛАТ»

деган қараш ўзгармас

экан, экологик тозаликка

эришиб бўлмайди

Бугунги кунда дунё аҳолисининг ўсиши ва урбанизация жараёни ортидан маиший чиқиндилар муаммоси глобал экологик инқироз даражасига чиқди. Анъанавий усул – чиқиндиларни шунчаки полигонларга кўмиш аллақачон ўз умрини ўтаб бўлди. Ер майдонларининг камайиши, тупроқ ва сувнинг захарланиши янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан иқтисодий фойда кўриш бўйича дунёнинг энг илғор мамлакатлари тажрибаси қандай ва уларни юртимизда қўллаш истикболлари хусусида тўхталамиз.

Германия чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича дунёда мутлақ етакчи ҳисобланади (чиқиндиларнинг 65-70 фоизи қайта ишланади). Мамлакатнинг муваффақият калити – тизимнинг қатъий йўлга қўйилгани ва аҳоли маданиятидадир.

«Green Dot» (Яшил нукта) тизими: Махсулот ишлаб чиқарувчилар ўз кадоқларини қайта ишлаш харажатлари учун олдиндан солиқ/бож тўлайдилар. Бу бизнесни тежамкор ва осон парчаланувчи кадоқлар яратишга мажбур қилади.

Рангли контейнерлар: Ҳар бир хонадонда чиқиндилар қатъий ажратилади: қоғоз (кўк), шиша (яшил/жигарранг), органик (жигарранг) ва пластик (сарик). Саралаш қондасини бузган фуқаролар жуда катта миқдорда жаримага тортилади.

«Pfand» (Тара қайтариш) тизими: Пластик ва шиша идишлар учун дўконларда қўшимча киймат (гаров пули) олинади. Идиш махсус автоматга топширилганда, бу пул фуқарога қайтарилади. Бу тизим кўчаларда пластик идишлар мутлақо қолмаслигини таъминлайди.

Швеция эса дунёдаги энг тоза давлатлардан бири бўлиб, бу ерда маиший чиқиндиларнинг атиги 1 фоизигина полигонларга кўмилади. Қолган 99 фоизи қайта ишланади ёки энергияга айлантирилади.

«Waste-to-Energy» (Чиқиндидан энергия) тизими: Мамлакатда ўнлаб замонавий чиқинди ёқиш заводлари ишлайди. Улар чиқиндини юқори ҳароратда ёқиш орқали миллионлаб хонадонларни иссиқ сув, иси-



тиш тизими ва электр энергияси билан таъминлайди.

Экологик филтрлар: Бу заводлар маҳаллий аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқин жойлашган бўлса-да, тутунни тозаловчи кўп босқичли инновацион филтрлар туфайли ҳавога мутлақо зарарли моддалар чиқармайди.

Чиқинди импорти: Швецияда чиқинди ёқиш қувватлари шу қадар юқорики, ички чиқиндилар етмай қолади. Натижада улар Буюк Британия, Норвегия ва Ирландия каби давлатлардан пул эвазига чиқинди сотиб олиб (импорт қилиб), ундан энергия ишлаб чиқаришади.

Ер майдони чекланган Осиё давлатлари чиқинди масаласида рақамли технологияларга таянади. Жанубий Кореяда озиқ-овқат инқилоби:

Кореяда озиқ-овқат қолдиқларини оддий ахлатга ташлаш тақиқланган. Хонадонлар махсус «электрон контейнерлар» (RFID-тизими) дан фойдаланишади. Контейнер ахлатнинг вазнини ўлчайди ва шунга қараб хонадон эгасининг пластик картасидан пул ечиб олади («Қанча кўп ташласанг, шунча кўп тўлайсан»). Йиғилган органик чиқиндилар қуритилиб, уй ҳайвонлари учун ем ва ўғитга айлантирилади.

Япониянинг «Мукамал саралаш» тизими: Айрим япон шаҳарларида чиқиндилар 45 тадан ортиқ тоифага ажратилади. Пластик идишларнинг қопқоғи, этикеткаси ва идиши алоҳида топширилади. Бу ерда чиқинди полигонлари ўрнида сунъий ороллар барпо этилади (масалан, Токиодаги Одайба ороли шиша ва кулни пресслаш орқали яратилган).

Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, чиқиндиларни бартараф этишнинг энг биринчи ва муҳим босқичи – бу инсоннинг ички маданиятидир. Афсуски, бугун юртимиз кўчаларида, айниқса, ҳаракатланаётган автомашина ойналаридан сув идишлари, сигарет қолдиқлари ёки турли ахлатларни ҳеч бир иккиланишсиз кўчага улоқтиришдек хунук ва ачинарли одатларга тез-тез гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу нафақат атроф-муҳитга, балки ўз она юртига, маҳалладошларига ва энг аянчлиси – ўзига бўлган ҳурматсизликдир.

Энг замонавий чиқинди заводларини қурмайлик, агар жамиятимизда «ўз уйимни тоза тутиб, кўчага ахлат ташлаш нормал ҳолат» деган қараш ўзгармас экан, экологик

тозаликка эришиб бўлмайди. Тозалик – супурилган жойда эмас, балки ахлат ташланмаган жойда пайдо бўлади. Шу боис, нафақат қатъий молиявий жарималарни кучайтириш, балки жамоатчилик назорати ва умумий маданиятни юксалтириш орқали бундай хунук одатларга бутунлай барҳам бериш вақти келди.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда экология ва чиқиндиларни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, чиқинди полигонларини камайитириш ва хусусий секторни жалб этиш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, бизда куйидаги қадамларни тезлаштириш мақсадга мувофиқ:

«Тара қайтариш» тизимини жорий этиш: Супермаркетларда шиша ҳамда пластик қабул қилувчи автоматларни (пандоматлар) ўрнатиш. Бу аҳолида, айниқса ёшларда чиқиндидан даромад олиш қизиқишини уйғотади.

«Эко-маданият»ни боғча ва мактабдан бошлаш: Болаларга чиқиндини саралашни кичик ёшдан ўргатиш, рангли кутилардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш лозим.

Чиқиндидан ўғит (Компост) олишни ривожлантириш: Ўзбекистон аграр мамлакат. Бозорлар ва аҳолидан чиқадиغان озиқ-овқат чиқиндиларини био-ўғитга айлантириш қишлоқ хўжалиги учун арзон ва сифатли хомашё бўлади.

Чиқинди – бу шунчаки ахлат эмас, у тўғри бошқарилса, катта иқтисодий даромад келтирувчи ва минглаб иш ўринлари яратувчи «иккиламчи ресурс»дир. Дунё тажрибасини юртимиз иқлими ва шароитига мослаб қўллаш нафақат табиатимизни асрашга, балки иқтисодиётимизни янада юксалтиришга хизмат қилади.

Даврон ТЎРАХОНОВ,
Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси Бош юристконсулти



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонди

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



Ўзбек санъати тарихида шундай сиймолар борки, уларнинг номи тилга олинганда нафақат бир санъаткор, балки бутун бир давр кўз олдимизда гавдаланади. Комилжон Отаниёзов ана шундай бетакрор истеъдод соҳибларидан эди. У ҳақидаги хотиралар, эсдаликлар ва замондошлари қолдирган гувоҳликлар бир ҳақиқатни тасдиқлайди: Комилжон Отаниёзов нафақат буюк ҳофиз, балки юксак инсоний фазилатлар эгаси ҳам бўлган.

кўрсатади.

Комилжон Отаниёзовнинг санъатдаги ўрни ҳақида сўз борганда, аввало унинг ноёб овози ёдга олинади. У халқ орасида “Довудий овоз соҳиби” сифатида эътироф этилган. Бу таъриф фақат овознинг баландлигини эмас, балки унинг кучи, жаранги ва қалбларга таъсир этиш қудратини ҳам ифодалайди. Кўплаб хонандалар унинг услубига эргашишга уринган, бироқ Комилжон Отаниёзов феномени фақат овозда эмас, балки ундаги маъно, ҳис ва самимиятда эди.

Гувоҳларнинг айтишича, у микрофонсиз ҳам катта давраларда бемалол

«...МЕНИНГ ТОРИМ БОШҚА»

Уни яқиндан билганлар, аввало, сазовати ва одамийлигини эсга олишади. У мунтазам равишда боғчалар, мактаблар, болалар уйлари ва интернатларга кўмак бериб турган. Бундай хайрли ишлар ошқора қилинмаган бўлса-да, халқ хотирасида сақланиб қолган. Баъзан Комилжон Отаниёзов ҳақида “фарзанди бўлмаган” деган қарашлар учрайди. Аслида эса унинг фарзандлари бўлган, бироқ тақдир уларни эрта олиб кетган. Жумладан, Дилоро исмли қизи беш ёшида вафот этган. Шунингдек, акаси Фозилнинг вафотидан кейин унинг фарзандларини ўз қармоғига олиб, вояга етказгани ҳофизнинг нақадар меҳрибон ва масъулиятли инсон бўлганидан далолат беради. Бугун Роҳатой Отаниёзованинг Урганчдаги уй-музейда фаолият юритаётган

ни ушбу маънавий мероснинг давом этаётганини кўрсатади.

Комилжон Отаниёзов камтар ҳаёт кечирган санъаткорлардан эди. Унинг уй-жойлари оддий бўлиб, ҳашаматга интилмаган. Вафотидан сўнг жамғармасида атиги 32 минг сўм маблағ қолгани ҳам унинг умрини бойлик орттиришга эмас, халқ ва санъат хизматиға бағишлаганини яққол кўрсатади.

Таниқли бастакор Матниёз Юсупов эслаган воқеалардан бири ҳофизнинг инсоний қиёфасини янада ёрқин очиб беради. Бир куни Янгийўлдан келган бир киши хасталик боис умри поёнига етиб бораётган ўғлининг энг катта орзуси Комилжон Отаниёзовни кўриш бўлганини айтади. Ҳофиз бу илтимосни рад этмайди. Бу воқеа унинг саховатпеша ва бағрикенг бўлганини

қуйлаган. Унинг ижросини тинглаш учун одамлар узоқ қишлоқлардан келишган. Бу эса ҳақиқий санъатнинг халқ қалбига нечоғли чуқур кириб борганини кўрсатади. Ҳаётининг сўнгги йиллари оғир кечган бўлса-да, Комилжон Отаниёзов санъатдан узоқлашмаган. У ижодга жуда талабчан эди. “Бошқа чалган тор бошқа, менинг торим бошқа”, деган фикри унинг санъатга бўлган муносабатини яққол ифодалайди. Бу оддий жумла эмас, балки бутун бир ижодий фалсафа эди.

Шунга қарамай, унинг сўнгги чиқишлари ҳам мухлислар хотирасида муҳрланиб қолган. Кетма-кет бир неча қўшиқни узлуксиз ижро этгани унинг санъатга бўлган садоқатини яна бир бор намоён қилган.

Бугун Комилжон Отаниёзовнинг ижодий мероси яшашда давом этмокда. Унинг қўшиқлари ноталарга кўчирилган, китоблар ва аудиоёзувларда сақланмокда. 150 га яқин қўшиғи жамланган дисклар мавжудлиги унинг ижоди нақадар бой эканини кўрсатади. “Ўзбек элим Комилжондан айрилмас” китоби ва бошқа кўплаб асарларда замондошларининг хотиралари жамланган бўлиб, улар буюк ҳофиз сиймосини янада яқинроқ танитади.

Комилжон Отаниёзов – бу шунчаки ҳофиз эмас. У ўзбек халқининг маънавий бойлиги, қалбларда яшаётган овоздир. Унинг қўшиқлари янграб экан, хотираси ҳам яшайверади.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист





ОДОБ ИНҚИРОЗИ

га айланиб қолиши миллий фожия-миздир.

Яқинда ҳаётимда бир воқеа юз берди: мактаб ёшидаги ўғлим кўчадан эшитиб келган ўта хунук, ҳақоратли сўзни айтиб, мендан унинг маъносини сўради. Юрагим орқага тортиб, «Бу гапни кимдан ўргандинг?» деб сўрасам, ҳеч нарса бўлмагандай: «Синфдошларим, тенгдошларимнинг ҳаммаси шунақа гапиради», деб жавоб берди. Ўша лаҳзада ҳаётимда биринчи бор фарзандимнинг оқкўнгил, тарбияли ва покиза қалб эканлигидан афсусланиб кетдим.

Чунки бугунги муҳит шундай даражага келдики, ҳали оғзидан она сути ҳиди кетмаган болалар оддий сўкишни билмайдиган, одобли тенгдошларининг устидан «Сўкишни ҳам билмайсан, лапашанг экансан» деб куладиган, уларни масхара қиладиган бўлишди. Соф кўнгилли, андишали ва тарбияли ёшлар нега бунчалик камайиб кетмоқда? Нега беодоблик жасорат, одоблилик эса заифлик деб баҳолянапти? Агар биз фарзандларимизни кўчанинг бу заҳарли маданиятидан асраб қололмасак, эртага тарбияли болаларимиз бетарбиялар орасида ёлғизланиб қолишади.

Ёшларни бу маънавий ботқоқдан олиб чиқиш учун нафақат давлат, балки ҳар бир фуқаро бирдек масъулдир.

Куйидаги чораларни кўриш кечиктириб бўлмас заруратдир:

Оилада сўз филтрини ўрнатиш: Ҳар бир ота-она ўз хонадонидида сўкинишни, кўполликни қатъий тақиқлаши, фарзанди билан ширин тилда мулоқот қилиши шарт. Бола уйда фақат чиройли сўзларни эшитсин.

Жамоатчилик назоратини тиклаш: Кўчада, маҳаллада сўкинган ёшни кўрганда лоқайд бўлмай, унга қатъий танбех бериш тизимини тиклашимиз кифоя. Бетарбияликка қарши умумий нафрат муҳитини яратиш лозим.

Қонуний чораларни кучайтириш: Жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш – бу майда безорилик ҳисобланади ва қонунчиликда бунинг учун маъмурий жарималар белгиланган. Бу қонунлар ижросини янада кучайтириш, керак бўлса, мактаб ва олийгоҳларда бу борада рейдлар ўтказиш зарур.

Тил – инсон қалбининг кўзгу-си, тарбия эса унинг жамиятдаги қийматидир. Агар биз бугун ёшларимизнинг оғзидан чиқаётган заҳарли сўзларга бефарқ қараб турсак, эртага маънавияти қашшоқ, бир-бирини ҳурмат қилмайдиган шафқатсиз жамиятга дуч келамиз. Фарзандларимизга нафақат замонавий билимларни, балки энг аввало, гўзал одоб ва сўз масъулиятини ўргатиш – бугунги куннинг энг олий ҳаётий заруратидир.

Максуд ХОН

Бугунги шиддатли ахборот асрида жамиятимизни чуқур ўйлантираётган, маънавиятимиз илдизига болта ураётган энг оғриқли муаммолардан бири – ёшлар ўртасида мулоқот маданиятининг бузилаётгани, сўконғичлик ва бетарбияликнинг оддий ҳолга айланиб бораётганидир. Кўча-кўйда, жамоат транспортларида ёки ижтимоий тармоқларда ҳеч бир истиҳоласиз, атрофдагилардан уялмай вайсаётган, оғзидан бадбўй сўзлар тўкилаётган ёшларни кўрганда, беихтиёр ёқа ушлайсан киши. Хўш, биз қаерда хато қилдик? Тил одоби ва миллий тарбиямиз инқирозига нималар сабаб бўлмоқда?

Шарқона қадриятларимизда оила муқаддас маскан, ота-она эса фарзанд учун энг биринчи мураббий ҳисобланади. «Қуш уясида кўрганини қиладидега» деган мақол бежиз айтилмаган.

Кўпинча фарзандининг сўконғичлигидан шикоят қилувчи ота-оналарнинг ўзлари оилада, ўзаро суҳбатларда ёки фарзанднинг кўз олдида кўпол сўзларни ишлатишади. Бола мактаб ёки кўчадан олдин уйдаги муҳитдан андоза олади. Эртадан кечгача тирикчилик ишлари билан банд бўлиб, фарзандининг ички дунёси, кимлар билан дўстлашаётгани, кўчада қандай тилда гаплашаётгани билан қизиқмайдиган ота-оналар кўпайиб бормоқда. Болага фақат моддий шароит яратиб бериш – тарбия бериш дегани эмас.

Бугунги ёшларнинг тили ва хулқи бузилишига таъсир кўрсатаётган омиллардан бири – бу назоратсиз интернет ва ижтимоий тармоқлардир (Instagram, TikTok, Telegram).

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда фақат сўкиниш, бир-бирини ҳақорат қилиш ёки беъмани ҳазиллар орқали «просмотр» ва



машҳурлик йиғаётган блогерлар кўпайди. Ёшлар эса уларни ўзларига «кумир» (ўртак) деб билиб, гапириш услубини ҳаётга кўчиришмоқда.

Экран ортига бекиниб, сохта (фейк) профиллар орқали исталган одамни, ҳатто ўзидан катталарни бемалол сўкиш, ҳақорат қилиш ёшларда масъулиятсизлик ҳиссини уйғотмоқда. Бу эса бора-бора уларнинг реал ҳаётдаги хулқига ҳам айланиб улгурапти.

Қадимдан маҳалла инсон тарбиясида катта куч бўлган. Кўчада беодоблик қилган болани ҳар бир катта ёшли инсон тўхтатиб, танбех берган, тартибга қақирган. Бугун-чи?

«Менга нима?» қабилида яшаш: Бугун кўчада сўкиниб кетаётган ёшларни кўрсак, кўпинча индамай, ўз йўлимизда давом этамиз. «Тегмагин, ўзингга бало орттирасан», «ҳозирги ёшларга гапириб бўлмайди» деган кўркүв ва лоқайдлик жамиятимизни заҳарляпти. Катталарнинг жим туриши беодоблик қиладиган ёшларга яшил чироқ бўлиб хизмат қилмоқда. Онамиз алла айтган, Навоий ва Бобур, Оғахий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби сўз заргарлари ижод қилган соф ва гўзал ўзбек тилининг бундай суиистеъмол қилиниши, сўкинишларнинг оддий сўзлашув услуби-

